

4. Тажриба ўтказилган (ЧДНС 65-70-65 %) ва (ЧДНС 70-80-75 %) вариантлари ўртасидаги дон ҳосилдорлиги 2,2 ц/га ни таъкил этган бўлсада, сарфланган сув миқдори 460 м³/га ортиқча бўлгани аниқланди. Бу ўз навбатида қаттиқ буғдой етиштиришда сувдан самарали фойдаланиш ва сарфланадиган сув сарфининг камайишига хизмат қилади.

О.А.АМАНОВ.,
директор, қ.х.ф.д,
катта илмий ходим
А.ШОЙМУРАДОВ
тадқиқотчи,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Аманов О.А., Узақов Ф.О., Туфлиев Н., Абдуазимов А.М., - Ёғин миқдорининг бошоқли дон экинлари ривожига таъсири. *Агро илм.* 4 (32) сон 2014 й 14-15 б.
- 2.Атоев Б. – Нав, сув, ўғит ўртасида боғлиқлик ва кузги буғдой ҳосилдорлиги. *Агро илм.* 2-3 сон 2015й 28 б.
3. Халиқов Б., Ёдгоров Н. –Кузги буғдой навларининг дон ҳосилдорлигига таъсир этувчи омиллар. *Агро илм.* 6 (50), 2017 й 22-23 бетлар

УЎТ: 633:85;631,84

ДЕХҚОНЧИЛИК ТАМОЙИЛАРИ

НАМ СУВИНИ ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ВА ОЧИҚ АНҒИЗГА ЭКИЛГАН КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Қашқадарё вилоятининг чўл минтақалари шароитида соя ўсимлигининг асосий экин сифатида экишда азотли ўғитларни ўсимликда қўлланганда дуккакларини ортиб бориши, суғориш режимларини ўрганиш тадқиқотининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ключевая слова: *пшеница, хлопок, семена, озимая пшеница, влажная вода, урожайность, междурядное возделывание;*
Annotation: The article examines the effects of moisture water on irrigated arable land between rows of cotton and the productivity of winter wheat sown in open water, and gives recommendations to farms..

Key words: *wheat, cotton, seeds, winter wheat, wet water, productivity, inter-row cultivation;*

Мамлакатимизда ҳар йили 1,3-1,4 млн гектар майдонга кузги буғдой экилиб, бунинг 250-300 минг гектари лалми ерларга, 400 минг гектари очик бўш аңғизга, 705 минг гектари эса ғўза қатор ораларига экилмоқда.

Маълумки пахта ҳосили пишиб етилганидан кейин нес-нобуд қилмай териб олиш учун ғўза қатор ораларига сув бериш тўхтатилади. Бу ўз навбатида тупроқдан намни кўтарилиб ернинг ёрилишига олиб келади. Бу ғўза қатор ораларига кузги буғдойни экиш вақтида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради:

1. Ғўза қатор ораларини юмшатиш вақтида ер ёрилиши оқбатида кесак кўчади.

2. Культиватор ишчи органлари меъёридаги 20-22 см чуқурликкача кириб бормади.

3. Кузги буғдой уруғи белгиланган чуқурликка тушмайди.

4. Сепилган уруғнинг 20-25 фоизи майин тупроқ камлигидан тупроққа аралашмай, кўмилмасдан тупроқ устида қолиб кетади.

5. Кесак чиққан майдонда уруғни кўп қисми, кесак тагида кўмилмай қолиб кетади.

Юқоридаги салбий ҳолатлар кузги буғдойни гектарларда белгиланган меъёридаги кўчатларини таъминлашга имконият бермайди. Бундай салбий ҳолатлар нами қочиб қолган очик майдонларда ҳам такрорланиши мумкин.

Республикаимизда етиштирилаётган буғдой ҳосилининг асосий қисми юқорида таъкидлаганимиздек, суғориладиган майдонларда етиштирилаётган кузги буғдой ҳиссасига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида кузги буғдой агротехнологиясидаги ишларни мукамал бажаришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, очик аңғиз ва ғўза қатор ораларига нам суви бермай ҳайдалган майдонларга экилган, тўғрироғи сочиладиган буғдой уруғи уни чуқурроқ ўрганиш, такомиллаштириш ҳамда турли тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Буғдой уруғи меъёридаги етарли намликка экилганда ниҳоллар тўлиқ гектарларда ундириб олинади, ўсимлигининг илдизи яхши ривожланиб тупроққа маҳкам ўрнашади, кучли даражада тупланади. Биринчи навбатда далада кўп дон ва сомон берадиган кўчат қалинлигига эришиш зарур. Дала шароитида меъёридаги буғдой кўчатини таъминлаш, уларни яхши ўсиб ривожланиши, совуққа ва бошқа ноқулай шароитларга чидамлилигини ошириш омилларидан бири уруғни тупроқнинг табиий намлигига ундириб олишдир.

Ғўза қатор ораларига экилган кузги буғдойни униб чиқиш даражасига нам сувини боғлиқлиги бўйича дала тажриба тизими қуйидаги тартибда олиб борилди.

Очиқ аңғиз+уруғ+нам суви (назорат).

Очиқ аңғиз+нам суви+ҳайдов+уруғ.

Ғўза қатор орасига+нам суви+қарама-қарши ишлов+уруғ.

Ғўза қатор орасига+2 марта ишлов+уруғ+нам суви.

Суғориладиган деҳқончиликда тупроқларнинг унумдорлигини муҳим кўрсаткичларидан бири намлик бўлиб, у етарли бўлса тупроқда ҳаво, ҳарорат ва озик моддалар меъёри кутилганидек бўлади. Ўсимлик танасида сув ва озик моддалар меъёрида ҳаракатланади ва айланади.

Биринчи тажриба даламиз икки вариантда бўлиб, ўтган 2017 йилдан бўш қолган аңғиз нам сувини бермай